

Республика шошилинч
тиббий ёрдам илмий маркази
Тошкент вилояти филиали
Директори А.Т. Эрметов



ТЕХНИК ҚИСМ

АСОСИЙ ТЕХНИК ШАРТЛАР

1. Харид қилиш объектнинг номи: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига махсус тиббий чамадон сотиб олиш бўйича энг яхши таклифни танлаш.

Махсус тиббий чамадон:

- Тез тиббий ёрдам шифокорлари;
- Қутқарув хизмати гуруҳлари;
- Спорт жамоаларидаги шифокорлар;
- лабораториялар учун мўлжалланган.

У керакли миқдордаги дори-дармонлар, тиббий асбоблар ва аксессуарларни жойлаштириш учун зарур бўшлиқлар ва мосламалар билан қулай тарзда йиғиладиган алюмин корпус шаклида бўлиши зарур.

Чамадон – асосан “Тез ёрдам” бригадаси учун мўлжалланган бўлиб, ўрнатилган қулфли алюмин рамка: бармоқнинг бир тегиши билан очилади ва автоматик равишда қулфланади. Чамадон очилганда қисмларга бўлинган таркиби айланмайди. 4 та ҳаракатланувчи қисмлардан иборат: 46 ампула учун 2 та ампула ушлагичли, хужжатлар учун алоҳида қисм, сирғанишга қарши 2та қўшимча тутқич.

Чамадоннинг ички қисми тирналишга чидамли ҳақиқий чармдан ёки сифатли экологик чармдан тайёрланган бўлиши зарур. Эни 25 см, бўйи 30 см, узунлиги 35 см бўлиши лозим.

Танловда қатнашаётган номзод ташкилот солиқ ўрганларидан “Қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида” маълумотномаси бўлиши шарт.

Танловда қатнашаётган номзод ташкилот ўз фаолиятини амалга ошираётган “фаолиятини бошлаган кундан шу кунгача” банкдан айланма маблағлари тўғрисидаги маълумотномасининг бўлиши шарт.

Шартнома муддати: Шартнома тузилган пайтдан бошлаб 31.12.2022 йилгача.